

## **ЯНГИ ДАВРДА ХОРЗАМ ВИЛОЯТИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР**

*УрДУ тарих факультети декани тарих фанлари номзоди*

**Отабек Шихов**

**Аннотация:** Уибӯ мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016-2020 йиллардаги Хоразм вилоятига қилган ташрифлари давомидаги истиқболли режалар ва уларнинг амалга оширилиши, ислоҳотларнинг жамият ва халқ ҳаётида ўз тасдигини топаётгани, ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга жорий этилиши туманлар мисолидаги фактлар орқали ёритиб берилади.

**Калим сўзлар:** Хоразм вилояти, ташриф, ҳаракатлар стратегияси, ислоҳотлар, беш ташаббус, истиқболли соҳалар

**Аннотация:** В статье освещены перспективные планы принятые в ходе визита Президента Узбекистана Ш.Мирзиёева в Хорезмскую область в 2016-2020 годах, а также их реализация, а именно то, что реформы находят отражение в жизни общества и людей, реализация стратегии действий на примере конкретных фактов осуществляемых в районах.

**Ключевые слова:** Хорезмская область, визит, стратегия действий, реформы, пять инициатив, перспективные направления.

**Annotation:** This article devoted to the perspective plans of the President of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev during his visit to Khorezm region in 2016-2020 and their implementation, the fact that the reforms are reflected in society and the people, the implementation of the action strategy through the facts of districts.

**Keywords:** Khorezm region, visit, action strategy, reforms, five initiatives, perspective directions.

“2017 йил 27-28 январидаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида президент Ш.Мирзиёев Президентнинг Халқ қабулхонаси Хоразм вилояти бўлими, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм вилояти филиали, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси, қурилаётган Охунбобо жомъе масжиди, “Мен-гилан” фабрикаси, чиқиндиларни қайта ишлаш заводи лойиҳаси билан танишган эди”[2]. Хива шаҳрига темир йўл қуриш ва электропоездлар қатнови билан бир қаторда “Афросиёб” тезюрас поездлари ёрдамида хориж ва ўзимизнинг юрт туристларини ташишни ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритди. Таниқли хонанда Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш таклифини киритди ва кўп ўтмай июнь ойида буюк ҳофизнинг табаррук 100 йиллик санаси тантанали нишонланди. 2017 йил 14-15 октябрда вилоятдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадидаги сафари давомида янги таъмирланган Урганч халқаро аэропорти билан танишди ва унинг келгусидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берганди. Урганч туманидаги Фойбу қишлоғига қарашли 4,5 га ерда барпо этилган Чўлобод массивидаги замонавий лойиҳалар асосида қурилган 64 та уйлар билан танишиши вақтида 3600 нафар одамларнинг ҳаёти батамом янгиланганини кўриб хурсанд бўлди. Маҳалла-да Хоразм архитектураси асосида қад кўтарган “Дўстлик уйи” халққа хизмат қилиши билан бирга маданият марказига айланиши кераклигига эътибор қаратганди.

Туризм – даромад, янги ишчи ўринлари, мамлакатимизга қўшимча инвестициялар киритиш, ишчи ўринлари яратиш манбаи эканлиги шубҳасиз. Хива шаҳрига ташрифи вақтида Президентга туризм ва унинг истиқболлари ҳақида маълумотлар берилди ва “Хавфсиз туризм” лойиҳаси тақдим этилди. Шаҳарнинг Амир Темур кўчасида Франциялик ишбилармонлар инвестицияси ва кўмагида барпо этилаётган З қаватли “Фаровон” меҳмонхонаси қурилишида бўлди. “Паҳлавон Маҳмуд” мақбарасини зиёрат қилди ҳамда Шерғозийхон

мадрасаси ва музейини кўздан кечирди. Нуруллабой сарой мажмуасида бўлган вақтида мазкур тарихий бинони замон талаблари асосида қайта таъмирлаш ва унга туристларни жалб этиш тўғрисидаги топшириқларнинг бажарилиши жараёни билан қизиқди. Мажмуа таркибида меҳмонхона, ресторан, қабуллар уйи, галерея, амфитеатр, хунармандлар кўргазмаси ташкил этилган. Хоразмлик ижодкор Худойберган Девонов XX аср бошида олган суратлари ва ilk kino асарлари на-мойиш қилинмоқда. Президент Ш.Мирзиёев бу сафарги ташрифи давомида Хива туманидаги “Рахимберган ҳожи Анвар” хўжалигига вилоят фермер ва дехқон хўжаликлари вакиллари билан учрашув вақтида томорқадан самарали фойдаланиш, қўшимча экинлар экиш ҳисобига маҳсулот етиштириш ва даромадларни ошириш манбаларини кучайтириш ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашгандилар. Президент Хоразм вилоятида суғориш тармоқлари, хусусан Тошсоқа магистрал канали тизимини реконструкция қилиш ишлари билан танишди. Шунингдек, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зonasи фаолиятини янада ривожлантириш ҳақида топшириқлар берди. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрдаги Хоразм вилоятига сафари давомида аввалги ташрифда белгиланган режалар қандай амалга оширилаётгани билан танишди. Хусусан, икки йил муқаддам Шовот туманида янги технологик имкониятларга эга “Uztex” компаниялар гуруҳига кирувчи корхона ташкил этиш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берилганди. Ўтган даврда илгари мавжуд бўлган корхона негизида илгор технологиялар билан жиҳозланган, мингдан ортиқ иш ўрнига эга тўқимачилик корхонаси ишга туширилди. Лойиха қиймати 65 млн. доллар бўлган корхона фаолияти икки босқичда ташкил этилди. 2017 йилда амалга оширилган дастлабки босқичда Италияning “Лонати” компаниясида ишлаб чиқарилган 528 та ва жорий йилда яна 512 та пайпок тўқиши дастгоҳи харид қилинди. Ушбу дастгоҳлар Буюк Британиянинг “Maritex Industrial LLP” компанияси томонидан келтириб ўрнатилди. Турли ўлчамдаги аёллар, эркаклар ва болалар пайпоклари ишлаб чиқариладиган корхонада йилига 70 млн.

жуфт, қиймати 30 млн. долларлик пайпоқ тайёрлаш қувватига эга. Қўшма корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ инновацион технологиялар асосида бошқарилади. 2017 йилда корхонада 5,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички бозорга йўналтирилди. 2018 йилдан тўла қувват билан ишлай бошлаган корхонада октябрь ойи ҳолатига кўра 12,5 млн. жуфт пайпоқ тўқилиб, 3,85 млн. долларлик маҳсулот АҚШ, Россия, Молдова, Украина каби қатор мамлакатларга экспорт қилинди. Корхонада айни кунда пайпоқ, сочиқ каби тўқимачилик маҳсулотларининг янги моделларини ўзлаштириш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу ташриф давомида республика президентига Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, “DererlopTextile” МЧЖ томонидан “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Шовот туманида аралаш ва пахта ип-калава ишлаб чиқариш бўйича янги йигириув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида “Textile finance Horezm” МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилояти Паркент туманида “Uztex Заркент” санаторийсини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Президент енгил саноат тармоғини жадал ривожлантириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш, қўшимча даромад манбалари ва иш жойини кўпайтириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди. Шовот туманидаги “Katqal’ateks” қўшма корхонаси ҳудудида Хоразм вилоятини ривожлантиришга доир иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди. Президентимиз янги инвестиция лойиҳалари, ресурслар, ишлаб чиқариш обьектлари, нархлар, транспорт-логистика имкониятлари ҳақида хорижликларга кўпроқ маълумот бериш, юртимиз сармоявий салоҳияти ҳақида инвесторларда кўпроқ қизиқиш уйғотиш лозимлигини таъкидладилар. Малайзиянинг “Serba Dinamik Group” компанияси вице-президенти Палендрон Палачандран “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида каустик сода ишлаб чиқариш заводи барпо этиш инвестиция лойиҳасини тақдим этди. Қиймати 250 млн. доллар бўлган лойиҳа 100% компания инвестицияси ҳисобидан амалга оширилади.

Корхона ишга тушгач, йилига 33 минг тонна каустик сода ва 30 минг тонна хлор ишлаб чиқариш имконияти яратилади. 150 та иш ўрни очиладиган корхонада йилда 35 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тўлиқ экспорт қилиниши режалаштирилган. Ўзбекистоннинг Малайзия, Саудия Арабистони, Туркманистондаги элчихоналари саъй-ҳаракатлари билан вилоятга қатор хорижий инвестиция лойиҳалари олиб келинди. Хусусан, Малайзиядан қандолат маҳсулотлари, тиббий косметология хизматлари кўрсатиш эстетик маркази очиш, тайёр тўқимачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиш юзасидан бир қатор ишлар қелинди. Президент вилоятда қуёш панеллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “GMO‘zbekiston” АЖ Хоразм вилояти филиалида “Damas” ва “Labo” автомобиллари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан Питнак шаҳрида замонавий иссиқхона барпо этиш, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш истиқболлари, вилоятда инновацион технопарк ташкил этиш лойиҳалари билан ҳам танишиб, уларни тез вактларда амалга ошириш, иш ўринларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берди. 30 ноябрь куни Президент Урганч-Хива шаҳарлари ўртасидаги 33 км. янги темир йўлни очди ва муҳташам вокзал ҳамда унинг атрофидаги инфраструктура билан танишди. Хива шаҳрида янги қуриладиган меҳмонхоналар, қўнгилочар масканлар, “Иchanқалъа” атрофини ободонлаштириш, истироҳат боғи барпо этиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берди. Президент шаҳардаги ипакчилик фабрикаси ишлари билан қизиқди ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни жорий этишда бир қатор маслаҳатлар берди. Вилоятда ипакчиликни ривожлантириш истиқболини таъминлашда Хитой, Вьетнам ва Малайзия мамлакатлари тажрибасидан фойдаланишини таъкидлadi. Табиийки буларнинг бари Янги Ўзбекистон давридаги Хоразм вилоятидаги юксалишлардан хисобланади. Умуман олганда, президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига қилган ҳар бир ташрифи Хоразм вилоятининг ҳар бир соҳасида тараққиётга, юрт ободончилигига хизмат қилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндағи 482-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.06.2018 й., 09/18/482/1405-сон.
2. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 30 январ.
3. Бобожанов Б. Асрларга тенг йиллар: Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. – Тошкент – 2001, “Истиқлол” нашриёти.